

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

«САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ВА ҚУРИШИ» ФАКУЛЬТЕТИ

**"ЕНГИЛ САНОАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТЕХНОЛОГИЯСИ"
КАФЕДРАСИ**

**“ТИКУВ БУЮМЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЖИХОЗЛАРИ”
ФАНИДАН ЛАБОРАТОРИЯ МАШҒУЛОТИНИ ЎҚИТИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ**

Бажарди: 323-09 ЕСМТ гуруҳи талабаси Миржалилова Д

ЖИЗЗАХ – 2011

3-лаборатория иши.Тикув бўлими жараёнларини лойиҳалаш.Тикув машиналари ҳақида умумий маълумотлар

Лаборатория машғулотининг ўқитиш технологияси

Вақти - 2-соат	Талабалар сони: 25-30 нафар
Ўқув машғулотининг шакли	Билимларни чуқурлаштириш ва кенгайтириш бўйича муаммоли лаборатория машғулоти
Лаборатория машғулотининг режаси:	1. 1022-М тикув машинасининг тузилиши. 2. 1022-М тикув машинасида маҳсулотларини ишлаб чиқариш жараёни амалга ошириш. 3. Икки ипли моки баҳяси қуйидагича ҳосил булиши.
Ўқув машғулотининг мақсади: тикув машинасида икки ипли моки баҳяси ҳосил бўлишини ҳамда механизмларнинг ўзаро ҳаракатини кузатиш ва куникмалар ҳосил қилиш.	
Педагогик вазифалар: -лаборатория ишини бажариш, кетма-кетлигини тушунтириш; -амалий ишни бажаришни намойиш қилиш ва ўргатиш; топширик ва муаммолар ечими йўллари, усуллари излаш ва топиш имкониятларини яратиш; - талабаларда изланувчанлик ва ижодий фикрлашни шакллантириш; -талабаларнинг мустақил ва ижодий ишлаш фаолиятларини ривожлантириш.	Ўқув фаолиятининг натижалари: Талаба -лаборатория ишини кетма-кетликда бажаради; -амалий ишни бажаришни ўрганади; -топширик ва муаммолар ечими йўллари, усулларини излайди ва имкониятларини топади; - ижодий фикрлашни урганади; Мустақил равишда баҳя ҳосил бўлиш жараёнининг схемасини чизади, унда игна, моки, ип торткич ҳамда газламани суриш механизмларининг характерли ҳолатлари кўрсатади.
Ўқитиш услуби ва техникаси:	Муаммоли усул, ақлий ҳужум, блиц-сўров.
Ўқитиш шакли:	Фронтал, коллектив, гуруҳларда
Ўқитиш воситалари:	Маъруза матни, проект, флипчарт, маркер, доска бўр
Ўқитиш шароитлари:	Гуруҳларда ишлаш учун мўлжалланган аудитория

Лаборатория машғулотининг ўқитиш технологияси

Босқичлар, вақти	Фаолият мазмуни	
	ўқитувчи	талаба
1-босқич. Кириш (10 мин.)	1.1. Мавзу, режа ва мақсад, лаборатория машғулотининг режаси маълум қилинади.	1.1. Эшитади ва ёзади
2-босқич. Асосий (60 мин.)	<p>2.1. Талабаларни 3 гуруҳга бўлади, ҳар бир гуруҳга топшириқ беради (1-илова). Кутилаётган ўқув натижаларини эслатади.</p> <p>2.2. Гуруҳда ишлаш қоидаси билан таништиради (2-илова). Баҳолаш мезонларини ҳам намойиш қилади.</p> <p>2.3. Вазифани бажаришда ўқув материаллари (маъруза матни, ўқув қўлланма)ларидан фойдаланиш мумкинлигини эслатади.</p> <p>Гуруҳларда иш бошлашни таклиф этади. Ўқувчилар билимларини фаоллаштириш мақсадида саволлар берилади. (3-илова)</p> <p>Билимларни фаоллаштириш жараёнида амалий машғулот ўтказиш учун муаммони ҳал қилиш, талабаларни муаммоли топшириқларни ҳал этиш бўйича амалий кўникмаларини етарлиликни аниқлайди.</p> <p>2.4. Муаммоли топшириқ мазмунига мос ҳолда ечими зарур бўлган муаммони шакллантиради шунингдек ўқувчиларга маинада ишлашни намойиш қилиб кўрсатади. Ушбу ишларни бажаришда юзага келадиган қийинчиликлар ва нуқсонларга тўхталиб ўтади.</p> <p>Ўқувчиларга муаммоли топшириқлар таксимланади. (4-илова) Муаммоли топшириқни бажариш бўйича зарурий услубий кўрсатмалар, тарқатма материаллар ўқувчиларга тарқатади. Муаммони ҳал этишда, кутилаётган натижалар бўйича услубий кўрсатмалар беради.</p> <p>2.5. Такдимот бошланганини эълон қилади.</p> <p>Ўқувчиларнинг бажарган ишларини кўриб чиқади, изоҳлайди, тўғри бажарилган ишларни ажратиб кўрсатади, хатоларни аниқлайди.</p> <p>Худди шундай, гуруҳлар ўзаро алмашиб, барча муаммоли топшириқларни бажариб, кўникма ҳосил қиладилар.</p> <p>Такдимот тугаганидан кейин талабаларга мавзу юзасидан тестлар ечишни таклиф этади. (5-</p>	<p>3.1. Гуруҳларда ишлайдилар.</p> <p>-жамоа бўлиб маълумотларни тизимлаштиради;</p> <p>-категориялар жадвалини такдимот қоғозларига ёзади.</p> <p>3.2. Такдимотни намойиш этади, саволларга жавоб беради.</p> <p>3.3. Жадвални тўлдирди ва топширади.</p>

	илова) Шундан сўнг, талабалар кичик гуруҳларида бажарилган ишлар ва тестларга жавоблар қуйидаги баҳолаш мезонларига асосланган ҳолда баҳоланади.(6-илова) 2.6. Талабалар жавобини шархлайди, хулосаларга эътибор беради, аниқлик киритади. Гуруҳлар фаолиятига умумий балл беради.	
3-босқич. Якуний (10 мин.)	3.1. Машғулотни якунлайди, талабаларни баҳолайди ва фаол иштирокчиларни рағбатлантиради. 3.2. Мустақил иш сифатида мавзу юзасидан материаллар тўплайди	Эшитадилар ва топшириқни ёзиб оладилар.

1-илова

Фаоллаштирувчи топшириқлар

1-гуруҳ

1.Тикув машинасига устки ва остки иплар тақинг. Найчани найча қопқоғига шундай ўрнатинг-ки, найча соат милага қарши айланадиган бўлсин. Ип найча қопқоғидаги пружина тагидан олиб ўтилади .

2-гуруҳ

2.Игнани энг юқориги ҳолатига келтиринг ва найча қулфчасининг пластинасини чап қўл билан чап томонга тортиб, найча туткичнинг стерженига кийдириг.

3-гуруҳ

3.Остки ипни игна пластинаси юзасига олиб чиқинг. Бунинг учун чап қўл билан игна ипи учини босиб туриб, игнанинг тўлиқ ҳаракат даври тугагунга қадар маховик ғилдирагини айлантинг. Устки ип учидан тортиб остки ипни чиқаринг ва иккала ип тепки тагидан олиб ўтинг.

Гуруҳдаги барча талабалар билан тепки тагига газлама қўйиб, баҳя ҳосил бўлиш жараёнида ишчи органларнинг ҳаракатларини кузатинг.

2-илова.

Гуруҳ билан ишлаш қоидалари

Гуруҳ аъзоларининг ҳар бири

- ўз шерикларининг фикрларини ҳурмат қилишлари лозим;
- берилган топшириқлар бўйича фаол, ҳамкорликда ва масъулият билан ишлашлари лозим;
- ўзларига ёрдам керак бўлганда сўрашлари мумкин;
- ёрдам сўраганларга кўмак беришлари лозим;
- гуруҳни баҳолаш жараёнида иштирок этишлари лозим;
- “Биз бир кемадамиз, бирга чўкамиз ёки бирга қутиламиз” қоидасини яхши билишлари лозим.

3-илова

1. Икки ипли моки бахяси хосил бўлишида асосий ишчи органлардан қайсилари иштирок этади?
2. Бахя хосил бўлишида мокининг вазифаси.
3. 1022-М тикув машинасига устки ип қандай тақилади?
4. Ип тўлдирилган найчани машинага ўрнатишни тушунтиринг.

4-илова

1-гурух

1. Икки ипли моки бахяси нималарни тикишда ишлатилади ҳамда бу жараёни амалга оширида қайси ишчи органлар катнашади?

2-гурух

2. Игнанинг газламага санчилиши, игна ипидан ҳалқа хосил бўлиши ва уни моки учининг илиб олиши, ҳалқанинг моки атрофидан айлантирилиши ҳамда бахянинг таранглигини ва натижани тавсифлаб беринг.

3-гурух

3. Хосил булган бахя таранглиги қандай таъминланади? Изохлаб беринг

5-илова

Тестлар:

1. Қайси жавобда тикув машиналарнинг пухталигига тўғри таъриф берилган?
 - А) – машина сифати унинг белгиланган вазифани бажаришдаги ишлаш даражасини билдиради;
 - В) – машинанинг таъмирлаш муддатлари оралиғида ўзининг ишлаш ва иш қобилиятини сақлаб қолишлигидир;
 - С) – бу машинани белгилаб берилган функцияси бўйича ўрнатилган муддат давомида тўхтовсиз ишлашидир;
 - Д) тўғри жавоб йўқ.
2. Бахяқатор хосил бўлиш жараёнида иплар чалишиш характериға қараб тикув машиналари неча гуруҳға бўлинади, қайсилар?
 - А) Моки бахяли тикув машиналари
 - В) Кўп ипли занжирсимон тўғри бахяқатор хосил қилган тикув машиналари
 - С) Газлама четларини йўрмаш машиналари
 - Д) Занжирсимон бахяли тикув машиналари
3. Тезлик кўрсаткичлари бўйича тикув машиналари неча гуруҳға бўлинади?
 - А) 3
 - В) 5
 - С) 2
 - Д) 6
4. Игналарнинг қандай кўринишлари бўлади?
 - А) Эгри
 - В) Тўғри
 - С) Қиррали
 - Д) Ёйсимон

5. Моки қурилмаси нималардан тузилган?
- А) Найча, найча қопқоғи, моки ўқи, найча ушлагич, моки учи
 - В) Моки ўқи, найча, игна, чалиштиргич
 - С) Тепки, найча қопқоғи, моки учи
 - Д) тўғри жавоб йўқ.
6. Газламани бир баҳя узунликка суриш вазифасини нима бажаради?
- А) Игна
 - В) Тишли рейка
 - С) Тепки
 - Д) Чалиштиргич


6-илова

**Талабаларни бажарилган топшириқ юзасидан жавобларини
баҳолаш мезони
Баҳолаш мезонлари ва кўрсаткичлари (балл)**


Гуруҳ	1 топшириқ	2 топшириқ	3 топшириқ (ҳар бир савол 0,2 балл)			Баллар йиғиндиси (3,0)
	(1,0)	(1,4)	1-савол	2-савол	3-савол	
1						
2						
3						

1-илова


1790 йили Томас Сент томонидан яратилган дастлабки тикув машинаси




"Жуки" (Япония) машинасозлик фирмаси газлама четларини йўрмаб-тикиш ва махсус ярим автоматик тикув машиналари



"Дьюрков-Адлер" фирмаси ярмавтоматик тикув машиналари.




«Жуки» фирмасининг тикув машинаси



МАШИНА СИФАТИ

**УНИНГ БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАНИ
БАЖАРИШДАГИ ИШЛАШ ДАРАЖАСИНИ
БИЛДИРАДИ. МАШИНА СИФАТИ ҲАҚИДА
ФИКР ЮРИТИЛГАНДА, УНИНГ
ПУХТАЛИГИ, ИНКОРСИЗ ИШЛАШЛИГИ,
УМРБОҚИЙЛИГИ ВА ТАЪСИРГА
ЛОЙИҚЛИГИ ТУШУНИЛАДИ**



Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва уқув кулланмалар руйхати
Асосий дарсликлар ва уқув кулланмалар:

- Франц В.А. Оборудование швейного производства- М.:
 Издательский дом «Академия», 2002.
- Кокеткин П.П. Пооперационная машинно- автоматизированная
 технология одежды- М.: МГУДТ, 2003.
- Кокеткин П.П. Одежда, технология- техника, процессы- качество.
 Справочник- М.: МГУДТ, 2001.
- Хаджаев С.С. Тикув корхоналарини машина ва ускуналари.
 Маърузалар матни. Т. ТТЕСИ, 1999.
- Хаджаев С.С. Тикув корхоналарини машина ва ускуналари.
 Маърузалар матни. Т. ТТЕСИ, 2002.
- Самарходжаев Х.Х. Машины и аппараты швейных предприятий.
 -Т., Укитувчи. 2002.
- Хаджаев С.С., Самарходжаев Х.Х. Тикув корхоналарини машина
 ускуналари фанидан лаборатория ишларини
 бажариш бўйича услубий кўрсатма. Т. ТТЕСИ., 2004.